

Ҳолатимдан маҳзун бўлма



07:00 / 01.02.2019 3476

Шайх Нажм ибн Абдулваҳҳоб Шерозийнинг ўғли айтади: «Отам ўлим ҳолатида бетоб бўлиб ётиб, менинг йиғлаётганимни кўриб қолдилар. «Сенга нима бўлди?» дедилар. «Йўқ, яхшиман», дедим. «Менинг ҳолатимдан маҳзун бўлма. Қозилик қилмаган бўлсам, бировни қамамаган, урмаган, бировларни орасига тушмаган (иғво, ғийбат қилмаган), ҳеч кимга зулм қилмаган бўлсам. Лекин, албатта менинг ҳам гуноҳларим бор. Бу фақат мен билан Аллоҳ таолонинг ўртасидаги гуноҳлар, холос. Мен олтмиш йил инсонларга фатво бердим. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ таолонинг дини йўлида бирор марта тарафкашлик қилмадим».

«Солиҳлар гулшани» китобидан